

Кейс №1

Вазирликнинг ички аудит хизмати йиллик иш режасини тузишда хавф таҳлилини амалга ошириш учун 4 та хавф омилини танлаб олди. Шунингдек, хавфнинг энг юқори даражасига 3 балл, ўрта даражасига 2 балл ва паст даражасига 1 балл берилди ҳамда уларга қўйидагича мезон ва хавф омили вазни белгиланди:

Хавф омили	Мезон	Вазн
Ички аудит обьектида ўтган йилда амалга оширилган транзакциялар сони	1000 тагача – паст; 1000-2000 та оралиғида – ўрта; 2000 тадан ортиқ – юқори.	0.25
Ички аудит обьектида ўтган йилда тузилган шартномалар сони	200 тагача - паст; 200-500 та оралиғида – ўрта; 500 тадан ортиқ – юқори.	0.10
Ички аудит обьектининг дебитор қарздорлик ҳажмининг ўсиши (ўтган йилга нисбатан фоизда)	10 фоизгача – паст; 10-15 фоиз оралиғида – ўрта; 15 ва ундан ортиқ – юқори.	0.30
Ички аудит обьектининг кредитор қарздорлик ҳажмининг ўсиши (ўтган йилга нисбатан фоизда)	10 фоизгача – паст; 10-15 фоиз оралиғида – ўрта; 15 ва ундан ортиқ – юқори.	0.35

1	Таҳлил қилинаётган ички аудит обьектида ўтган йилда амалга оширилган транзакциялар сони 1804 та бўлган бўлса ушбу обьект учун хавф омили қийматини ҳисобланг.
2	Таҳлил қилинаётган ички аудит обьектида ўтган йилда тузилган шартномалар сони 109 та бўлган бўлса, ушбу обьект учун хавф омили қийматини ҳисобланг.
3	Таҳлил қилинаётган ички аудит обьектида дебитор қарздорлик ҳажмининг ўсиши (ўтган йилга нисбатан фоизда) 24 фоиз бўлган бўлса, ушбу обьект учун хавф омили қийматини ҳисобланг.
4	Таҳлил қилинаётган ички аудит обьектида кредитор қарздорлик ҳажмининг ўсиши (ўтган йилга нисбатан фоизда) 12 фоиз бўлган бўлса, ушбу обьектлар учун хавф омили қийматини ҳисобланг.

Кейс №2

Вазирликнинг ички аудит хизмати йиллик иш режасини тузишда хавф таҳлилини амалга ошириш учун 4 та хавф омилини танлаб олди. Шунингдек, хавфнинг энг юқори даражасига 3 балл, ўрта даражасига 2 балл ва паст даражасига 1 балл берилди ҳамда уларга қўйидагича мезон ва хавф омили вазни белгиланди:

Хавф омили	Мезон	Вазн
Ички аудит обьектида ўтган йил мобайнида амалга оширилган транзакциялар сони	1000 тагача – паст; 1000-2000 та оралиғида – ўрта; 2000 тадан ортиқ – юқори.	0.25
Ички аудит обьектида ўтган йил мобайнида тузилган шартномалар сони	200 тагача - паст; 200-500 та оралиғида – ўрта; 500 тадан ортиқ – юқори.	0.10
Ички аудит обьектининг дебитор қарздорлик ҳажмининг ўсиши (ўтган йилга нисбатан фоизда)	10 фоизгача – паст; 10-15 фоиз оралиғида – ўрта; 15 ва ундан ортиқ – юқори.	0.30
Ички аудит обьектининг кредитор қарздорлик ҳажмининг ўсиши (ўтган йилга нисбатан фоизда)	10 фоизгача – паст; 10-15 фоиз оралиғида – ўрта; 15 ва ундан ортиқ – юқори.	0.35

5	Ички аудит обьектида ўтган йил мобайнида амалга оширилган транзакциялар сони 200 тадан кам бўлган тақдирда, унинг хавф омили қиймати қанчани ташкил этади?
6	Ички аудит обьектида ўтган йил мобайнида тузилган шартномалар сони 200 тадан кам бўлган тақдирда, унинг хавф омили қиймати қанчани ташкил этади?
7	Ички аудит обьектининг дебитор қарздорлик ҳажмининг ўсиши (ўтган йилга нисбатан фоизда) кўрсаткичи 14 фоизга teng. Ушбу хавф омили учун хавф омили қиймати қанчани ташкил этади?
8	Ички аудит обьектининг кредитор қарздорлик ҳажмининг ўсиши (ўтган йилга нисбатан фоизда) 0,15 фоиз бўлганда, унинг хавф омили қиймати қанчани ташкил этади?

9	Бюджет ташкилоти тўғрисида қўйидаги маълумотлар берилган:		
	Счетлар	Йил бошига қолдик 2024 йил 1 январь	Йил охирига қолдик
	Асосий воситалар/ Транспорт	125 000 000	125 000 000
	Асосий воситаларнинг эскириши/ Транспорт	70 000 000	
	Қолдиқ қиймати	55 000 000	
	Амортизация тўғри чизикли усулда ҳисобланади. 2024 йил учун охирига қолдик қийматни аниқланг.		
10	Бюджет ташкилоти тўғрисида қўйидаги маълумотлар берилган: (сўмда)		
	Счетлар	Йил бошига қолдик	Йил охирига қолдик
	Депозитта қўйилган пул маблағлари	5 000 000 000	3 000 000 000
	Таълим ташкилоти ортиқча 5 млрд.сўм маблагини банкка депозитта жойлаштирган. Депозит даромади йиллик 20%. Агар депозитни 2 млрд.сўм қисмини 30 октябр куни қайтариб олган бўлса, шу йил давомидаги фоиз кўринишидаги даромадларни ҳисобланг.		
11	Бюджет ташкилотининг валюта ҳисобварагида йил бошида 100 000 АҚШ доллари миқдорида валютаси мавжуд бўлсада мол етказиб берувчиларга 50 000 АҚШ доллари миқдорида қарзи мавжуд бўлган. Йил давомида валюта кирими ва чиқими операциялари амалга оширилмади ва мол етказиб берувчиларга мавжуд қарздорлик тўлаб берилмади. 1 АҚШ доллари курси йил бошида 12 000 сўм ва йил охирида 13 000 сўм бўлса, йил охирида валютани қайта баҳолаш натижасини ҳисобланг.		
12	Бюджет ташкилоти ходимга иш хақи ҳисобламоқда. Оклад 5 млн.сум, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун моддий ёрдам 5 млн.сум, касаллик варақаси учун 1 млн.сум ҳисобланди. Ходим 1 дона фарзанди учун нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига 3,5 млн.сум тўлаган. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини ҳисобланг.		
13	Бюджет ташкилоти 215 млн.сумлик автотранспорт воситасини 2022 йил 15 феврал куни сотиб олди. Агар тутатиш қиймати 15 млн.сўм бўлса, тўғри чизикли усулда 2022 йилда қанча амортизация ҳисобланган?		